



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 10-sentyabr • № 37 (4072)

## КЎҲНА БУХОРОНИНГ ЯНГИ ТИМСОЛЛАРИ

Истиқлол Ўзбекистоннинг ушбу қадим маъвосини ҳам ўзининг шуқули нурларига бурқади. Мустақиллик йилларида Бухоронинг 2500, Баҳовуддин Нақшбанд бобомизнинг 675 ҳамда Абдуллоҳиқ Ғиждувонийнинг 900 йиллиги саналари, "Универсиада — 2002" каби тадбирлар муносабати билан бу шариф шаҳар Ўзбекистон кўксидаги гўзал бўстон сифатида жаҳон нигоҳида қайта юз оча бошлагани, ўтмиш алломаларининг маънавият сарчашмаларидан нафақат халқимиз, балки бутун жаҳон аҳли баҳра олаётгани айни ҳақиқатдир.

### Ун тўққизинчи довои

Бугун истиқлол боис юз очган қадим Бухоронинг янги гўзалликларига маҳлиё бўлиб тўймайсиз. Неча асрли Минораи Калону унинг тепасида попопонлари учун уя қурган оппоқ лайлақлар ҳам хайратда. Бу хайратнинг боисини мен кўҳна шаҳарнинг янги тимсолларида кўргандай бўлдим. Бухоро деганда, энг аввало, кўз ўнгингизда Лабиховузу Улуғминор, сўнг қатор кетган мадрасалар, хонақоҳлар, масжиду мақбаралар, нодир музейлар, улкан савдо расталари, тим бозорлар, рассомларнинг картиналарида сақланиб қолган жин кўчалар гавдаланарди. Энди кўҳна Бухоронинг асрий манзаралари истиқлол яратган буюк бунёдкорлик тимсоллари билан ўрин алмашмоқда. Уларни кўздан кечирганда шаҳарнинг бугунги қиёфаси, бугунги гўзалликларидан завқ-шавақ ва хайрат туя бошлайсиз.

Буюк шоиримиз Алишер Навоий ҳазратлари:

Агар қикматга бўлса илтифотинг, Ки, бўлсун Нуҳ умрича ҳаётинг! — дея лутф этган эканлар. Қадим Бухоронинг ҳар бир кўчаси, ҳар бир гиштида ҳам буюк ҳикматлар мужассам. Агар сиз бу-

гун Бухоронинг ўша машҳур Лабиховуздан Вобкенту Ғиждувон йўлига ёҳуд Абдуллоҳиқ Ғиждувоний шох кўчасидан Ситораи Моҳихоса томон борар бўлсангиз, ҳар икки йўлнинг оралигида, бир томони Қўнғирот — Ғузур йўлига туташ бир гўзал маъвога кўзингиз тушадию хайратланасиз. Аслида сизнинг мана шу хайратингизнинг ўзи бир ҳикмат! Сиз гўзалликдан, Бухорода илгари бундай гўзалликка дуч келмаганингиздан хайратга тушасиз. Шундай гўзалликни яратиш йўлида ғоя берган, раҳнамолик қилган, хайрли ташаббусни зиммасига олган инсондан миннатдор бўласиз. Ва бу режаларни қойилмақом қилиб рўёбга чиқарган меҳнатқаш, бунёдкор инсонларга тасанно, дейсиз. Уларнинг фидойилигига, бунёдкорлигига, яратувчилик қудратига офарин айтасиз.

Мана шу хайратнинг ўзи улуг бир ҳикматдир!

Давоми иккинчи саҳифада



С.УРМОНОВ (ЎЗА) очган бўлат.

## ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Шукрлар айтаминки, ўн бир ойнинг султони саналмиш Рамазон ойи ҳам мамлакатимизда ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтди. Мустақил Ватанимиз учун бу йилги Рамазон ҳар қачонгидан ҳам файзу футуҳли, шуқули, баракотли бўлди. Хурриятимизнинг ўн тўққиз йиллигини мусулмонларимиз тоат-ибодат ва дуолар билан кутиб олишди. Уларнинг саховатлари, меҳр-муруватлари бу муборақ ойда янада ошди. Кексалар, ногиронлар, етим ва муҳтожлар ҳолидан хабар олишди, меҳр-муруват ва саховатлари билан уларнинг кўнглиларини кўтаришди. Бу ойда кўлларимиз гуноҳ ишлардан, ёмон кусурлардан тийил-

учун бир нафл ибодат ёки хайрини амални бажарса, гўё Рамазондан бошқа ойда бир фарзни бажарган каби бўлади. Ва кимки Рамазонда бир фарзни адо этса, гўё Рамазондан бошқа ойда етмиш фарзни адо қилганининг савобига эришади», — дейилган.

Расули акрам (сав) ҳайит кечасини Аллоҳдан катта мукофот олиш вақти деб атаган. Бу ҳадисни Ибн Аббосдан Ибн Хиббон ва Имом Байҳақийлар ривоят этишган. Кечагина барча мусулмонлар емак ва ичмақдан ўзларини тийиб, фақат тоат ва ибодат билан машғул бўлишган эса бугун Аллоҳ таолонинг неъматларидан баҳра олиб, хурсандчилик ва шод-хуррамга етишдилар.

Исломи динимизда ҳайит кунлари да қалбларини тўлқинлантириб, кўнглиларга ором берадиган хурсандчилик қилиш жоиз саналади. Ишонамизки, юртимиз мусулмонлари ҳайит кунлари ҳам самимий меҳр кўрсатиш, яхшилик қилиш, моддий ва маънавий ёрдам бериш, етим-есирлар ва бева-бечодик, яхшилик, эзгу ишларни кўпроқ бажаришга ҳаракат қилдик. Чунки Рамазон ойи бошқа ойларнинг улуги, саййидидир. Шу боис унинг фазилати ҳам бошқа ойларникидан юксакроқдир. Куръони каримда зикр этилганидай: "Рамазон ойда ҳидоят йўлини кўрсатувчи, ҳақ билан ботилни ажратиб берувчи Куръон ноил қилинган ойдир".

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан ривоят қилинган ҳадисда: "Агар киши Рамазон ойда Аллоҳ таоло розилиги раларга саховат кўрсатиш, бағрикенглик каби улуг сифатларни намён этишсади, иншооллоҳ, Зеро, динимиз таълимотлари ҳар вақт инсонларни адолат, меҳр-муруват, олижаноблик, поклик, яхшилик, дўстликка чорлайди ва бунинг эвазига ҳар икки дунёда улуг мукофотларга эришишларини ваъда этади. Аллоҳ таоло Куръони Каримда шундай марҳамат қилади: "Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчилар (савобининг) мисоли гўё бир донга ўхшайдики, у ҳар бир бошогид

жозтадан дони бўлган еттита бошқни ундириб чиқаради. Аллоҳ хоҳлаган кишиларга (савобини) янада кўпайтириб беради. Аллоҳ (карами) кенг ва билимдон зотдир". (Бақара сураси, 261-оят) "Бева ва мискинга гамхўрлик қилувчи киши Аллоҳ таоло йўлида саъю-ҳаракат қилувчи ёки кечалари билан тоат-ибодат қилиб, кундузлари рўза тутувчи киши кабиридир". Ушбу ҳадис шариф маъносига чуқур назар ташласак, бева ва мискинларга ёрдам, меҳр-муруват кўрсатиш нечоғлик савоб эканини англаймиз. Дарҳақиқат, динимиз кишиларни бир-бирига меҳр-оқибати бўлишга чақириши билан бирга, улар эътиқодию миллатидан қатъи назар ўзаро иттифоқлик ва иззат-ҳурмат кўрсатишга чорлайди.

Ҳайит — баъзи хойларда бўлаётганидай азаҳонлик эмас, балки хурсандчилик, яхши кайфият ва эзгу ишлар, фазилатли ой рўзасини эсон-омон, соғ-саломат тутганимиз учун Аллоҳ таолога ҳамду санолар ва шукроналар изҳор этиш палласидир. Бу куннинг шукрини адо этиш, ушбу шодибна кунда ҳаммамизга ардоқли ота-оналаримиз, қавм-қариндошларимиз, улугларимиз зибёрага бориб уларнинг дуоларини олиш, бетоб, муҳтож кишилар ҳолидан хабардор бўлиш, қўлдан келганича хайр-саховат кўрсатиш, эски гина-қудуратларни унуттиш, силаи раҳми ва инсоний муносабатларни тиклаб олиш ва шу тариха Аллоҳ таолонинг раҳмат ва магфиратига сазовор бўлиш ҳар бир мусулмоннинг байрам кунларидаги энг муҳим вазифаларидан саналади.

Диёримизда яшовчи барча мўмин-мусулмонларни Рамазон ҳайити билан самимий муборақбод этамиз. Аллоҳ таолодан юртимиз ҳамини обод, халқимиз ўзаро тинч ва иттифоқликда яшашини, ҳаётимиз фаровон бўлишини сўраб, дуойи хайрлар қилиб қоламиз.

Шайх Абдулазиз МАНСУР, Ўзбекистон мусулмонлар идораси раисининг ўринбосари

Миллатни дунёга танитишда, халқнинг ўзига хос олижаноб фазилатларини ёрқин ва таъсирчан образлар орқали ифодалашда бадий алабёт қудратли воситадир. Халқимизнинг меҳрибонлик, инсонпарварлик, тинчликсеварлик, мардлик сингари фазилатларини жаҳон аҳли яхши билади ва юксак қадрайди. Шунинг учун ҳам бобомиз Алишер Навоий яратган асарларни неча-неча

### Ёзувчилар уюшмасида

тоз ва замонавий адабиётимиз муносиб намуналарини хоржий тилларга таржима қилиш ҳамда Интернетда кенг тарғиб этиш вазифаси кун тартибига қўйилган. Ёшларни бадий таржимонларни камол топтириш мақсадида Ёзувчилар уюшмаси қошида ёш

лар ўн бешта хоржий тилда, Жаҳон тиллари университетда эса бешта хоржий тилда сабоқ олишаётир. Уларнинг битирув-малакавий ишларини ўзбек адабиётини хоржий тилларга таржима қилишга йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Халқро алоқалар ва бадий таржима кенгаши масъул котиби Алҳамбек Алимбеков ўзбек адабиётини хоржий тилларга таржима қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот берди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Жаҳон тиллари университети ректори Абдулла Исмоилов, "Жаҳон адабиётини" журнали бош муҳаррири ўринбосари Мирпўлат Мирзаев, Шарқшунослик институти проректори Жумаали Шабонов, таржиманос олимлар Шухрат Сиросиддинов, Раёно Ҳоҷиева, ёзувчи Собир Унар ўзбек адабиётини хоржий тилларга таржима қилиш масалаларига ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Йилгида Халқро алоқалар ва бадий таржима кенгашининг иш режаси муҳокама қилинди.

Ўз мухбиримиз

## САМАРҚАНД ЯНА ЧИРОЙ ОҚДИ

Кеча Самарқанд шаҳрида янгидан барпо этилган Мирзо Улуғбек хайкали ва музейининг тантанали очилиш маросими ўтказилди.

Шу йилнинг март ойда Президентимиз ташаббуси ва тавсияси асосида Мир-



зо Улуғбек ташаббусида кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари бошланган эди. Музейнинг эски, кўрimsиз биноси бузилиб, унинг ўрнида замонавий бино қуришга киришилди. Музей ва расадхонанинг ташқи девор қисми турфа нақшлар билан безатилди. Расадхона ва астрономия музейининг янги биноси ҳам Шарқ меъморчилигига монанд обида қиёфасини олди. Музейга қирилади-ган жойдаги икки томонлама зиналар гранитдан ишланди. Зинапоя четига икки юз метрдан ортққ замонавий, кўркам панжаралар ўрнатилди. Улар Самарқанддаги «Кинап» заводидан тайёрланган.

Давоми иккинчи саҳифада

## АДАБИЁТ МИЛЛАТНИ ТАНИТАДИ

асрлардан буён жаҳон халқлари ўз тилларига таржима қилиб, севиб-мутолаа қиладилар. Дунёнинг гўзал шаҳарларида буюк шоирларимизга хайкаллар қўйиб, миллатимизга эҳтиром кўрсатадилар.

Мустақиллик йилларида халқро адабий алоқаларини янада ривожлантириш, ўзбек адабиётининг энг юксак намуналарини жаҳонга тарғиб этиш муҳим аҳамият касб этаётир.

Юртбошимиз "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" рисолисда таъкидлаганларидек,

таржима кенгаши фаолларининг навбатдаги йилгилини ана шу масалаларга бағишланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Бобур Алимов "Ижод" фондини ташкил этиш тўғрисидаги Президент қароридан халқро алоқалар ва бадий таржима соҳасида муҳим вазифалар белгилаб берилганини таъкидлади. Хусусан, халқимизнинг қадимий тарихи, бой маланияти, асрий анъана ва қадриятлари таранум этилган, миллий маънавиятимизнинг мазмун-моҳияти теран бадий ифодасини топган мум-

таржимонлар мактаби иш олиб бормоқда. Ижодий машғулотлар Жаҳон тиллари университети, Шарқшунослик институти, Ўзбекистон миллий университети хоржий филология факултетининг малакали мутахассислари ва таниқли таржимонлар билан ҳамкорликда ўтказилаётир. Улар орасида бадий асарларни она тилимиздан бевосита хоржий тилларга ёҳуд хоржий тиллардан тўғридан-тўғри она тилимизга таржима қилиш иқтидорига эга ижодкорлар бор. Хусусан, Шарқшунослик институтида талаба-

## "ЧИМИЛДИК"ДАГИ РАЪНО



Учрашув

### Навқирон авлод сўзи

## ИЖОД БАХТИ ИЗЛАНИШДА

1. Сиз ижод моҳиятини қандай тушунасиз?
2. Бугунги ижодий жараёнга муносабатингиз?
3. Ижодкорнинг жамиятдаги ўрни нима билан белгиланади? Бу жараёнда ўзингиз ва тенгқурларингизнинг иштирокини қандай баҳолайсиз?

Жаҳонгир ШУКУРОВ: композитор. Ўзбекистон давлат консерваторияси ўқитувчиси. Италия, Америка, Австрия, Белгия, Германияда бўлиб ўтган халқро мусика фестиваллари қатнашчиси.

Бошланғичи биринчи саҳифада

Авалло, "Бухоро маданий маркази" мажмуининг таниқли ҳайкалтарош Илхом Жабборов раҳбарлигида тикланган "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументи ҳақида. Бу муҳташам обиданинг баландлиги ўн саккиз метрдан иборат. Атрофини гўзал фавворалар маржони ўраб турган ёдгорлик монументи бир юз етти гектарли кенг саҳли боғнинг қок ўртасида жойлашган. Унинг икки тарафига бир-бирига мутаносибликда қад қўйилган муҳташам театр ва амфи-театр бамисоли узукка қўйилган кўздай ягона архитектура ансамблини ташкил этган. Улар қад рсталб турган кенг майдондаги гулзорлар, фавворалар,

шаҳарнинг буюқ ўтмишига сайру саёҳат вазифасини ўтайди. Монументнинг учинчи ошиёнасида эса думалоқ шаклдаги Ер сайёраси узра мустақил Ўзбекистон харитаси акс этган. Харитадаги бир нукта — пойтахтимиз Тошкентга тимсол сифатида кечаю кундуз чўлпон юлдузи порлаб турибди. Унда истиқлолга эришиб, кенг жаҳон билан юзлашган, дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллаган, ўзининг буюқ келажagini яратаётган мамлакатимиз тимсоли акс эттирилган. Монументда акс этган тасвирлар ва барельефли ҳайкаллар моҳиятини инфодаловчи гоҳларни мушоҳада этиб кўрсангиз, аждодларимизнинг шонли ўтмиши ва юртимизнинг бугунги жамоли, орзу ниятларидан ҳийока қилувчи

ёшларимизга сўянамиз. Бугун Ўзбекистонимиз эришган буюқ марраларда, оламшумул ютуқларда ёшларимизнинг ўрнини, уларнинг ҳал қилувчи кучга айланганини кўрамиз.

Биз бири биридан гўзал фавворалардан отилиб ётган маржон-маржон томчилар саҳронинг иссиқ тафтини тўсиб, ўзига хос микроклим ҳосил

Ўн тўққизинчи довон

қилган гўзал оқшом палласи бухоролик шоир ва адиблар, санъаткорлар, бунёдкор қурувчилар даврасида салқин эпкинларга юз тутганга театр майдони сари одимларканмиз, рўпарамиз-

мизга ўндан зиёд ёш актёрлар келиб қўшилди. Улар ўзларининг илк ижодини янги бинода бошлаётганларидан ниҳоятда мамнун. Ана шу истеъдодли ёшлар иштирокида терроризмга қарши кураш мавзусидаги "Тўғон" спектакли устида иш олиб бораёмиз. Абдунаби Ҳамро асари асосидаги бу драмани театримизнинг бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти Убайдулла Бақоев саҳналаштирмоқда. Шекспирнинг "Ҳамлет", шуниқдек, замонавий мавзудаги "Бир сиким тупроқ", "Оқ ажал чангалида", "Тавба", "Хорижлик келин ёки Бухороча тўй қиламан", "Тўйлар муборақ" каби саҳна асарларимиз томошбинлар томонидан қизгин кутиб олинган. Биз бу аниқани давом эттирган ҳолда бугунги томошабиннинг маънавий савиясини юксалтирадиган, Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек, давр билан ҳамнафас яшаётган, ҳаёт синовларида тобланган фидойи инсонлар ҳақида ҳийока қилувчи, ёшларни турли мафкуравий таҳдид ва ғараз ниятли кучлардан, таъсирлардан асраб-авайлашга хизмат қилувчи асарларни саҳнага олиб чиқиш ниятидамыз.

Авалло, биз санъаткорларга катта ишонч билдирилиб, шундай касроми-нанд шоҳона бино қуриб берилгани, саҳна санъатининг гуллаб-яшнаши ва ҳар бир санъаткорнинг бунёдкор истеъдодини намойён этиш ижод қилиши учун катта имконият ва шарт-шароитларни муҳайё этган бу ғамхўрлик учун Юртбошимиздан то абад миннатдорсимиз. Театр — халқ ҳаётининг кўзгуси бўлиши керак. Бу драматургга ҳам, режиссёру актёрга ҳам боғлиқ бўлган мураккаб жараён. Биз ана шундай улуғ ишга сафарбар этилганмиз. Энди бу борадаги имкониятларимиз янада ошди. Негаки, Бухоронинг янги театри жаҳон стандартларига тўла жавоб беради. Саҳнани кўтариб тушириш ва айлантириш, овоз ва акустика билан боғлиқ энг замонавий жиҳозлар ўрнатилгани саҳналаштирилётган асарлар савиясини ҳар жиҳатдан кўтариш имконини беради. Биргина овоз, акустика масаласини олиб кўрайлик. Маълумки, ҳар қандай саҳна асари, энг аввало, диалоглар асосида қурилади. Қаҳрамонларнинг бир-бири билан мулоқоти драмдаги ҳаракатни жонлантиради. Актёр талқин этаётган қаҳрамон характери, у айтаётган сўзининг таъсир кучи, ҳар бир жумлага сингдирилган сўз моҳияти томошабинга тўқис этиб борсагина, кутилган натижага эришиш мумкин. Биз актёрлар эски театримизда сўзимиз томошабинга этиб бориши учун овозни баланслаб, деярли бақариб гапиришга мажбур бўлардик. Энди тасаввур этиб кўринг: оддийгина талаффуз этиш мумкин бўлган жумла томошабин эшитсин учун бақариб ижро этилса, томошабинда ўша образ хусусида қандай фикр шаклланади? Саҳнада ўйналаётган рол ва образ тибқи ўзгариб кетмайдими? Бироқ бошқа иложимиз йўқ эди. Энди эса вазият бутунлай бошқа — томошабин энг замонавий акустик мосламалар орқали актёр шивирлаб айтаётган гапнигина эмас, ҳатто унинг нафас олишини ҳам бемалол эшитиб туради. Образларнинг тўлақонли чиқиши учун бу муҳим имконият.

Мухташам театр биносини томоша қилиб қайтарканмиз, бухоролик таниқли шоир ва муҳаррир Жаҳонгир Исмоилов кунчи кеча янги бог-ҳиббон мажмуидан илҳомланиб битган шеър мисралари беҳиётёр тилимизга кўчди:

Теграси фаввора, хиёбон кўркам,  
Икки ёнидаги бино Шарққа хос.  
Шариф шаҳар ичра бу ажиб маскан,  
Узукка кўз янглиг ярашган рист...  
Мурод АБДУЛЛАЕВ


КЎҲНА БУХОРОНИНГ ЯНГИ ТИМСОЛЛАРИ



Бухоро вилоят театрининг «Бир сиким тупроқ» спектаклидан саҳна.

бамисоли тошга битилган дostonни мароқ билан ўқигандай бўласиз. Юртбошимиз мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллиги байрам арафасида ўшбу мажмуа билан танишар экан, ўз таассуротларини қуйидагича изҳор этган эди:

— Бухорога келган, бухороликлар ҳаёти билан танишаман, деган одам монументда ифодаланган бу гоҳлардан ҳулоса чиқаради. Бу гоҳларни барчага, биринчи навбатда, ёшларимизга кенг ва чуқур тушунтиришимиз керак. Баркамол авлод тарбиясида унинг аҳамияти катта. Буюқ келажакимизни яратишда, аввало, мустақил фикрлайдиган фарзандларимизга, шу юртни ягона, бетакрор Ватан, деб билган



Бухоро вилоят театрининг «Бир сиким тупроқ» спектаклидан саҳна.

Бошланғичи биринчи саҳифада

Мирзо Улугбек ҳайкали жойлашган саҳна ҳам ҳар жиҳатдан обод қилинди. Ёдгорлик майдонига чиройли, замонавий плиткалар тўшалди. Ҳовли саҳни ва атрофига 350 тупдан кўп қарағай, юздан ортиқ каштан дарахтлари ва яна шунча манзарабоп бутали ўсимликлар экилди. Ўн беш миң квадрат метр майдон замонавий чимзорга айлантирилди. Музей ва расадхонага «Ижод» фирмаси томонидан ёнғоқ дарахтидан ёғоч ўймакорлиги асосида нақш берилган эшиклар ўрнатилди. Музей биноси ичида мейёрдаги ҳароратни сақлаш ва тоза ҳаво билан таъминлаш мақсадида замонавий кондиционерлардан фойдаланилмоқда.

Мирзо Улугбек ҳайкали ҳам музейнинг замонавий кўринишига ҳар жиҳатдан муносиб. Ҳайкал Ўзбекистон Бадий академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон халқ rassomi Равшан Миртожиев томонидан ишланди. Унинг орқа томонидagi юлдузли осмон тасвири туширилган панно ҳам ҳайкал композициясини мазмунан бойитади. Улар Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси Рустам Солижонов ва унинг шоғирдлари томонидан амалга оширилган.

САМАРҚАНД ЯНА ЧИРОЙ ОҚДИ

туради. Қурилиш-бунёдкорлик ишлари жараёнида расадхона ҳодимлари учун барча қулайликларга эга маъмурий бино қурилди.

Янги музейнинг экспозициялари Ўзбекистон Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Бадий академия олимлари томонидан яратилди. Кириш қисмида ўрнатилган «Мирзо Улугбек сафдошлари билан» ва «Мирзо Улугбек шоғирдлари билан» деб номланган паннолар Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси, rassom Мирхамид Собиров ва Ўзбекистон халқ rassomi Хуршид Назиров томонидан бажарилди. Мирзо Улугбек портрети Ўзбекистон Бадий академияси академиги, Ўзбекистон халқ rassomi Акмал Икромжонов ижодига мансуб.

Музейда Мирзо Улугбек даврига хос юздан зиёд ашёлар намойиш этилмоқда. Шунингдек, бу ерда турли макетлар, китоблар, секстант асбоби бўлаги ҳам мав-

жуд. Музей экспозициясида Мирзо Улугбекнинг илмий фаолиятига доир маълумотлар компьютерлар орқали намойиш этиб турилади. Бир сўз билан айтганда, Улугбек расадхонаси ҳудудида амалга оширилган ободончилик ишлари кўҳна тарихга эга Кўҳак тепалигининг кўрку жозибасини янада очиб юборди. Маросимда сўзга чиққан Ўзбекис-



Фармон ТОШЕВ

тон Фанлар академияси президенти Шавкат Солижов, Ўзбекистон Бадий академияси раиси Турсунали Қўзиев, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, СамДУ ректори Темури Ширинов, Зулфия номидаги давлат муқофоти соҳиббаси Дибёра Салимова ва бошқалар қисқа фурсатда бунёд этилган ўшбу мажмуани буюқ мунажжам Мирзо Улугбек сиймосига, улуғ аллома қолдирган илмий меросга давлатимиз ва халқимизнинг кексиз эҳтироми рамзи, мамлакатимизда кадриятларни ўқулаш, буюқ аждодларимиз меросидан халқимизни баҳраманд этиш борасида олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг самараси сифатида баҳоладилар. Бу жой фақат зиёратгоҳ бўлиб қолмай, аллома илмий меросини ўрганишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Тантанали маросимда вилоят ҳокими Уктам Барноев иштирок этди.

МУҲТАШАМ ЗИЁ МАСКАНИ

Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги нишонланаётган кунларда пойтахтимизнинг Ҳамза туманида Тошкент вилоятининг «TURON» ахборот-кутубхона маркази янги биноси фойдаланишга топширилган китобхоналар учун катта байрам бўлди. Ҳашаматли марказнинг иккинчи қаватида музей ташкил этилган. Маълумки «TURON» кутубхонаси 1913 йилда тошкентлик маърифатпарвар ҳадидларнинг шу номдаги жамияти асосида ташкил бўлган эди. — Давлатимиз томонидан яратилган шароитдан фойдаланиб, «TURON» музейини янада кўпроқ материаллар билан бойитиш ниятимиз бор, — дейди кутубхонанинг илмий-услубий бўлим мудири Насиба Оманкелдиева. — Шу кунларда музейнинг унутилмас тарихи ва муҳим саналари ёритилган лавҳаларга қўшимча маълумотлар киритиб, ўша даврда расм бўлган экспонатлар билан жиҳозлаш ишларини давом эттирялмиз.

Тарихий лавҳалар илган панноларда илм маскани илк ташкилотчиларнинг фотосуратлари ҳамда ўша йиллардаги ноёб даврий нашрларнинг кутубхона ҳақида ёзилган қайдлари ва эълонлари мавжуд. Бу ерда ҳар бир панно кутубхона тарихининг муҳим саналари билан бошланади. Бир стендда Абдулла Авлонийнинг қуйидаги сўзлари келтирилган: «1913 йилдан бошлаб халқни кўзин очмоқ, маданиятга яқинлаштироқ учун театрга киришиб, театр ишларини йўлга қўйувчиларнинг бошлиғи бўлиб, Туркис-

тоннинг бир неча шаҳарларига бориб, ўзбеклар орасида театрга йўл очдим... «TURON» исми театралний благоворителний жамиятни юзага чиқардим...» Бу лавҳаларда яна бир қизиқ маълумот эътиборимизни тортади: 1914 йил «TURON» труппасининг репертуар эҳтиёжлари учун турк-татар ва озарбайжон адабиёти, хусусан драматургияси намуналари жамланиб, кичик бир кутубхона ташкил этилди. Кейинроқ бошқа соҳаларга оид китоблар ҳам мазкур кутубхона жавонларидан ўрин эгаллаш бошлади. Кўп ўтмай, кутубхона қошида қироатхона пайдо бўлди. «TURON» кутубхонаси ана шу тарзда майдонга келди».

Бугунги кунда янги бинода фойдаланувчилар учун эллиқ ўринли шинам ўқув ва компютер заллари, ахборот-кутубхона ҳужжатлар жамғармаси, компютер ва нусха кўчириш техникалари, «Интернет» тизимидан тўлиқ фойдаланиш имконияти мавжуд.

Маърифат масканида тадқиқотчилар ва барча китобхоналар учун етти бўлим фаолият қўрсатмоқда. Китоб фонди 380 миңдан ортиқ универсал мазмундаги нусхаларни, шу жумладан, 4,5 миң нусха нодир ва ноёб адабиётларни ташкил этади. — Кутубхонаимизнинг нодир адабиётлар бўлимида 1816 йилдан бошлаб чоп этилган турли соҳаларга оид нашрлар бор, — дейди кутубхона ахборот ҳужжатларини сақлаш бўлимининг бошлиғи Норбиби Ҳамидова. — Эндиликда, янги бинода бу ноёб нашрларни яхши сақлаш ва асраш

СОҒЛОМ АЁЛ Баркамол авлод тарбиячиси

Аёли соғлом юртининг келажак баркамолдир. Шу сабабли мамлакатимизда аёллар ва болалар салоқатимизга йўлида алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Аёлларнинг спорт билан шугулланишини кундалик ҳаёт тарзига айлантириш соғлом авлод туғилишини таъминлашнинг муҳим вазифаси сифатида қаралмоқда. «Соғлом оила» спорт ўйинлари, «Соғлом аёл — соғлом жамият» шиори остидаги беллашувлар, қизлар ўртасида «Спорт маликаси» мусобақаларининг ўтказилаётгани туфайли спортга жалб этилган хотин-қизлар сони ошиб бормоқда. Уларнинг кўпчилиги уй бекалари экани ҳам қувонarliдир.

13-15 сентябрь кунлари Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон спорт саройида «Аёл соғлом бўлса — авлод соғломдир» шиори остида Аёллар спорт фестивали ҳамда Республика гимнастрада фестивали ўтказилди. Унда волейбол, энгил атлетиканинг тўрт тури, стол тенниси, шахмат, дартс, сузиш, гимнастрада каби спорт турларида юртимизнинг барча вилоятларидан жами уч юзга яқин аёллар беллашадилар.

Мазкур фестивал олдинда оммавий ахборот вазирлиги ҳодимлари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Миллий Олимпия кўмитаси, Ўзбекистон давлат Жисмоний тарбия институти, «Соғлом авлод учун» халқроқ хайрия жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ватанпарвар» ташкилоти, «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вакиллари сўзга чиқиб, фестивалнинг аҳамияти, яратилган шароитлар хусусида ахборот бердилар.

Мусобақалар «Универсал» спорт саройи ҳамда Ўзбекистон Миллий университетининг спорт залларида ўтказилди. Фестивал иштирокчиларининг бўш вақтлари мазмунли ўтиши учун маданий-маърифий дастурлар тайёрланган, пойтахтимизнинг диққатга сазовор масканларига саёхатлар ташкил этилади.

Журналларни варақлаганда

«HUQUQ va BURCH», 2010 йил, 8-сон

Журналнинг навбатдаги сони мамлакатимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллигига бағишланган. Унда ўтган давр мобайнида давлат, жамият ва фуқароларимиз ҳаётида содир бўлган моддий ва маънавий ўзгаришлар, ютуқлар таҳлилга бағишланган мақолалар эълон қилинган.

Жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидовнинг «Истиқлолнинг буюқ тўққаси», Адлия вазир Равшан Мухитдиновнинг «Мустақиллик — ҳуқуқ демократия», Олий суд раиси Бўритош Мустафоевнинг «Инсонпарварлик — ислохотлар мезони» каби мақолаларида кейинги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимидagi ислохотлар ва уларнинг самараси ҳақида фикр-мулоҳаза юритилган. Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод

Олимнинг «Истиқлол, ислохот, истиқбол» сарлавҳали публицистик мақоласини мутолаа қилган ўқувчи юқоридagi уч буюқ сўзининг моҳияти ҳақида тўлиқ тушуничага эга бўлиши шубҳасиз. Халқимиз ўтган асрда бошдан кечирган синовли даврлар, истиқлол йўлида жон фидо қилган миллатдошларимиз хотирасини абадийлаштириш мақсадида қилинган эзгу ишлар ҳақида «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи катта илмий ҳодими Мурод Зикриллаевнинг «Тарихий алодат сабоғи»

мақоласида сўз юритилди. Шунингдек, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» рукни остида эълон қилинган «Изчил ижтимоий ҳимоя», «Маҳалла жамиятимиз таянчидир» мақолаларида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар ва унинг натижалари таҳлил ва талқин этилган. Бундан ташқари, журнал саҳифаларида эълон қилинган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари суд-ҳуқуқ органлари фаолияти ҳақидаги туркум мақолалар ҳам муштарийларни бефарқ қолдирмайди.

Тўлан НИЗОМ,  
Ўзбекистон халқ шоири

## ДАРЁЛАРНИНГ ТИНИМ БИЛМАС ШИДДАТИ



### ОТАМ, ОНАМ

Онам берди менга бу митти жонни,  
Отам ато қилди чексиз жаҳонни.  
Онам берди туйғу, бегубор кўнгил,  
Отам деди: "Бўлгин элга чин ўғил!"

Онам гул тутқазди ёринга бер, деб,  
Отам кетмон чопди менинг ғамим еб.  
Онам силаб чиқди тунлар бошимни,  
Отам ҳалол тонди нону ошимни.

Онам меҳр берди, шафқат ўргатди,  
Отам виждон берди, ҳиммат ўргатди.  
Онам раво кўрди гул-боғлар ичин,  
Отам менга берди дарёлар кучин.

Онам аяб кутди мени ҳар кун,  
Отам кўтар деди тоғлар юқини.  
Онам дoston берди, ўтли шеър берди,  
Отам Ўзбекистон деган Ер берди.

### ДЕРАЗАМДА ЧУГУРЛАГАН ҚУШ

Тушунмадим сўзингга саҳар,  
Кўп сайрадинг тинмай сарбасар.  
Тилинг мунча шакардан-шакар,  
Айт, нимадан келтирдиг хабар,  
Кўрган эдим бир фаройиб туш...  
Деразамда чуғурлаган қуш?

...Тирик эмиш севгилим, боғда  
Оқ гулларни кучиб кучоғда —  
Унга томон юрдим, шу чоғда  
Ғойиб бўлди мендан узокда...  
Эр бошимдан учди ақлу хуш,  
Деразамда чуғурлаган қуш?..

### Олқор ДАМИН

### ДЎРМОН НАФАСИ

Бунда устозларнинг кутлуг изи бор,  
Шундан улугворлик аримас ҳамон,  
Шундан ижод боғи гулдайди чапвор,  
Илҳом нариларин

осёни — Дўрмон.

Осмон ўлиб турган азим чинорлар  
Митти майсаларга этгандек таъзим,  
Бунда инча ҳислар чироғи порлар,  
Бунда опа-сингил —

нафосат, мазмун.

Бунда энг тўрдадир сўз ила қалам,  
Бунда жарангдорроқ туюлади соз.  
Унинг ҳар гишгида — мурувват, карам,  
Бошинг силагандек: —

Куйла, булбул, ёз!

Не-не алломалар туюб нафасин,  
Кўлингга олурсан бунда зар қалам.  
Ҳа, тушир қоғозга булбуллар сасин, —  
Ки бу сас — дилларга

не нафис малҳам!

Не-не алломалар изи бор бунда,  
Ҳаёлот кўйида гўёки Дўрмон.  
Шундан кундуз эрур бундаги тун — да,  
Шундан улугворлик

қулф урар ҳамон.

Юртбошим назари тушган бу маскан  
Чорлар ижод аҳли соҳир кўйинига.  
Бу боғ сўз сеҳрига бурканган чаман,  
Булбул маст сўз деган гулнинг буйига.

Бу дунёда айрилиқ ёмон,  
Торлик қилур ер билан осмон.  
Ўғирласа севгисин ҳижрон,  
Қандай чилар йигит деган жон...  
Жисми қолса қуп-қуруқ, бўм-бўш,  
Деразамда чуғурлаган қуш?..

Йиллар кечди сочга ташлаб оқ,  
Лек сўнмади ёрга иштиёқ...  
Вафо бўлди бир қайнар булок,  
Қатрасида армон ва фиरोқ...  
Сўнг туғилди дostonлар қўш-қўш,  
Деразамда чуғурлаган қуш?..

Сен нимадан бердинг нишона?  
Таширфингга нима баҳона?  
Тўхта, сенга бўлай парвона?  
Мана, сенга ушбу қошона!..  
Қанотларинг тилломи, кумуш,  
Деразамда чуғурлаган қуш?..

Илтимосим: яна сайраб бер,  
Созингни чал, яйраб-яйраб бер,  
Фолингни оч, эртан қараб бер,  
Ҳеч бўлмасин шоир фаромуш,  
Деразамда чуғурлаган қуш?..

### ТЎРТЛИКЛАР

Бу тоғларнинг мангу деган муддати яхши,  
Уммонларнинг чуқур деган ҳикмати яхши.  
Оройишу осойишлар бошқа бир нақл,  
Дарёларнинг тиним билмас шиддати яхши.

Сухбатда зўр маъно, зўр одоб керак,  
Савол туғилганда зўр жавоб керак.  
Ахир, шамол тўхтаб, ёмғир тинганда,  
Ерга қўёш керак, нур-оғтоб керак.

Яхшиям, самода қўёш бор, ой бор,  
Кундузи, кечаси кўрарга жой бор.  
Дунёдан илиниб ўтиб бораман,  
Сенга термуламан, сенда чирой бор.

Етмиш йил кўрдим-а олам юзини,  
Энди сал ўргандим, ишнинг кўзини.  
Жисимга жойладим, юракка олдим  
Фақат биттагина Ватан сўзини.

Ошиқлар ўлмайди, ишқ ичра яшар,  
Ахир, ишқ абадий, ҳар қалбада жўшар.  
Фарҳоду Мажнулар нугутилмади,  
Қайтадан туғилди севгучи ёшлар.




### ШОИР ВА СЎЗ

Шоир сўзни қўлга олиб,  
Айлангириб кўраркан обдон —  
Ундан ажиб санъат яратар  
Номин атаб шеър ёхуд дoston.

Суртиб-суртиб кўзига сўзини,  
Кўйиб кўяр осмон тоқига.  
Сўз юқини елкага олиб,  
Дастийёрлик қилар халқига.

Ул ўзини ўйламай, сўзининг —  
Тақдиринга яшаркан куйиб,  
Шундан уни шоир дейди эл  
Сўзга фидо фарзандин суйиб.

Шоир сўзни қўлига олиб,  
Эркалатар қолгунча толиб...



Мирза ҚАЙНАРОВ

## САОДАТ ИСТАСАНГ ЭЛ КОРИГА БАХШИДА ЭТ УМРИНГ



Дегаймен аҳли оламга, саодатда бўлинг бардам,  
Ширин суҳбат қуринг олиму фозиллар ила ҳар дам.

Адолат пеша бўл, инсон, ки ҳар дам баҳра олсинлар  
Тузингдан ҳам, юзингдан ҳам, кўзингдан ҳам, сўзингдан ҳам.

Саодат истасанг эл корига бахшида эт умринг,  
Сахийликда ҳавас қилсин сенга ҳаттоки Ҳотам ҳам.

Ақоид билмаганинг умри кечгайдур залолатда,  
Ибодат айла, меҳнат қил, етил кам-кам, дегил кам-кам.

Агар инсон уйи мустаҳкам эрмас бўлса фожигдур,  
Ки андин фожероқдур бўлмаса иймони мустаҳкам.

Ҳар ишни бошламасдан аввал ўйла охири, эй дўст,  
Қўл урма ишгаким, охир бу ишдин бўлса бошинг ҳам.

Агар одамга ҳамроҳ эрса доим сабр ила бардош,  
Ирода олдида бошин эгар андух, алам, ғам ҳам.

Яратмишлар бани одамни ҳикмат бирла Аллоҳим,  
Демишларким, бу оламнинг сир-асрори одамда жам.

Бошим қал, дилим нозик, деган экан биттаси. Мен қал эмас-ману аммо кўнглим хийла нозикроқ. Сал нарса ғашимга тегади. Бутун тўй давомида хофизнинг бир ерда ўтириб олганча қўшиқ айтиши таъбимни хира қилиб, кайфиятимни бузиб турибди. Хофиз дегани бундоқ ўртага чиқиб, бор-йўқ маҳоратини кўрсатиб, даврани қиздириб турса тузук экан-да. Е шунчаём ўзига бино кўйганларданмикан?..

Кечагина папка қўлтиқлаб, бармоқларимиз сиёҳга бўялиб юргувчи мактаб болалари эдик. Бугун эса ҳаммамиз сиполаниб, айримларимиз бўйинбоғ тақиб, каттасиниб қолган йигитларга айланганмиз. Улғайиб қолганимизни исботламоқчи бўлгандай синфдошларимиздан биттаси бугун ҳатто... Ҳа, шундай, уйланыпти...

Илик ва намхуш август окшоми. Сув сепилган ҳовлидан тупроқ хиди аниқиди. Бир томонига ишқомлар туташ тўйхона чароғон нурлар оғушида алоҳида файз ва тароват касб этган.

Нихотят "Тўйлар муборак..." ашуласи билан даврага келин-куёв кириб келади. Тўйхона аҳли бир қалқиб оёққа туради. Келин-куёв даврани айланиб ўз жойига ўтиргунича ўтган фурсат ичда дил тубида ётган орзу-армонлар ҳам қалқиб чиқади. Қалбингни ёқимли ҳислар эгаллаб олади. Ҳаёл олис-олисларга олиб қолади. Даврага сурур бағишлаётган кўшиқ энди қўлнингга элас-элас чалинади: "Бу кун шодмонлик кундир, яхши кунлар муборак!"

Ва ниҳоят давработининг "Марҳамат, ўтиришларингиз мумкин!" дея оғохлатириши бешоб хаёлларингни йигиб олишга ундайди. Бу тўйнинг биз учун ҳаяжонли томони шундаки куёв бўлмиш синфдошимиз Озод яна бир синфдошимиз Ризвонгулга уйланди. Бу эса қалбимизни ифтихорга чулғайди. Уларга жиндай ҳасад аралаш ҳавас билан тикиламиз. Биз бир тараф, қизлар бир тараф бўлиб келин ва куёвнинг ёнидан жой олганмиз. Тўй бу тўйнинг бошида ўзимиз тургандай кўкрагимизни кериб қўямиз.

Ана синфимизнинг энг шаддод, билимдон ва мағрур қизи ҳарир рўмол солинган бошини куйи эгиб, бахтдан ял-ял ёниб ўтирибди. Даракнинг шохини мева эгса, қиз боланинг бошини ҳаё-ибо эгар экан.

Озода ҳавасимиз келди. Чунки синфимизда Ризвонгулга ошиқ бўлмаган, унга уйланишни орзу қилмаган ўғил бола йўқ эди. Шу боисдан ҳам ҳар биримиз нимамиз биландир, унга ёқшига интилар, у бўлса бирдай бепарво ва бепасанд эди. Узун киприкларини пирпиратиб, тик боқишлари бизларни анчайин доводиратиб қўярди. Ана шундай ўт-олов, ана шу шаддод Ризвонгул бугун мағрур бошини хиёл эгиб, келинлик либосида кўзларни яшнатиб ўтирибди! Дўппи ва зар чопонда анчагина салобатли кўринаётган Озод ҳам "Ҳа, энди шундай бўлиб

\*\*\*

Дегаймен аҳли оламга, саодатда бўлинг бардам,

Адолат пеша бўл, инсон, ки ҳар дам баҳра олсинлар

Саодат истасанг эл корига бахшида эт умринг,

Ақоид билмаганинг умри кечгайдур залолатда,

Агар инсон уйи мустаҳкам эрмас бўлса фожигдур,

Ҳар ишни бошламасдан аввал ўйла охири, эй дўст,

Агар одамга ҳамроҳ эрса доим сабр ила бардош,

Яратмишлар бани одамни ҳикмат бирла Аллоҳим,

Ризвонгул менга насиб қилган экан!" дегандай хижолатомуз кийфада даврадаги тенгқурларига назар ташлаб қўяди. Сархуш давра қизигандан-қизиб боради. "Бахтли кечамизнинг бахтиёр қатнашчилари..." деб анъанавий тарзда табрик сўзини бошлаган давра қатнашчилари икки ёшга боқий севги ва узоқ умр тилашади.

— Азиз тўй қатнашчилари, рухсатларингиз билан табрик учун сўзини келиннинг сирдош дугонаси Шахлохонга берамиз!  
Даврабоши микрофонни Шахлога узатишдан олдин шеър ўқийди:

Навқиронсиз, гўзалсиз,  
Тўлиб турибсиз кучга.  
Қошларингиз қаламу  
Киприклар авторучка!  
— Марҳамат!

Исмоил ОЛЛОБЕРГАНОВ

## ҚАНОТ ЧИҚАРГАН ҲОФИЗ

Шахло бир неча оғиз гапирган бўлди, охирида "Бахтли бўлишин!" дея таманно билан жойига ўтирди.

— Қойил-е! Қисқа ва сермазмун табригингиз учун раҳмат! Даврабоши эндигина навбатдаги табрик учун сўз беришга чоғланаётган ҳам эдики тўйхонанинг нимқоронги чеккасига жанранглаб шиша сингани эшитилди. Барча сермазмун тортиди.

— Ҳа, Эшимбой, бўш келма!  
Даврани қийқирик, шовқин-сурон эгаллади. Урмачаси ичкиликдан тўлиб тошган Эшим пиён кутурган айиқдай лапанглаб даврага чиқиб бўкира бошлади:

— Йиқил дунё! Тагинда қолай!  
Йўқ, дунё-ку йиқилмайди-я, лекин Эшим пиённинг ўзи давранинг ўртасига бориб-бормай гандираклай бошлади. Созандалар ёнига амаллаб етиб бориб, кўшиқ айтётган хофизнинг бўйинбоғидан тортиди:

— Вей, мундоқ ўрингдан турсанг-чи! Қоққан қозикдек ўтираверсанми? "Қаргалар"ни айт, "Олма пишганда галин"ни айт, ахир!

Хофиз рубоб чертаётган қўлини кўксига қўйиб беозорган жилмайди. Шу пайт Эшим пиённи судраб даврдан олиб чиқиб кетишди. Тўй эса келган жойида давом этаверди. Мен Эшим пиённинг хофизга берган танбехини тўғри деб топдим. Рост-да, ўрнидан туриб айтса бўлмайди ашуласини!? Ялпайиб ўтиришини қаранг! Тўғри, яхши айтаяпти, ширали овозда сел бўлиб куйлапти. Лекин, ўрнидан туриб айтса, асакаси кетармиди, ўзидан кўрсин!..

Шу хаёл бутун тўй давомида миямни пармалайверди, пармалайверди. Ва ниҳоят тўй охирида "икки ёшни висол гўшасига" кузатдик.

— Яна кетиб қолманглари! Ҳали ичкарида алоҳида ўтириш бор, —

Танинг соғ, беш мучанг бут бўлса гар тарки Ватан этма,  
Ватадошим, Ватадан ҳеч умидинг узма, кетсанг ҳам.

Кел эй Мирзо, ниҳат қилгил тавофи Қабатуллоҳини,  
Улуғ мақсадга охир етмасанг ҳам, ёки етсанг ҳам.

\*\*\*

Тўғри сўз туққанга ёқмас, дейди, кўнгилга малол,  
Айтмасан дилга малолу сўйласам тилга малол.

Гулни узмоқ қасдида қўл чўзди райҳон шохига,  
Узмаса қўлга малолдир, узса, ваҳ, гулга малол.

Тонггача сайрайди булбул гунча ишқи доғида,  
Гунча кўз очса не бахт, очмаса булбулга малол.

Яхшига яхшини де, ёмонга ёмондин гапир,  
Боғу бўстондин гапирсанг дашт ила чўлга малол.


Истасанг гар майда ун бугдойни сол меёрида,  
Оз эса тошга малолдир, кўп эса дўлга малол.

Гоҳи сўрғайлар, юрайлик қай томонга, раҳнамо,  
Сўл деса ўннга малолу ўнг деса сўлга малол.

Юк кўтарганда чиранмақ кимсага қори зарар,  
Елгили йўлга малолдир, оғири белга малол.

Кетмагай ботин кири ҳаммомга юз тушган билан,  
Гар дилдорлар чўмилса тин-тиник қўлга малол.

Мирза, оздин оз бадал, кўшдан эса кўпроқ эрур,  
Мўл эса озга малолу оз эса мўлга малол.



мо раққосанинг хиром айлашини кутиб ўтирибмиз.

Шу пайт... шу пайт барчамизнинг нигоҳимиз эшикка қадалди. Эшикда ҳалиги хофиз кўринди, уни икки йигит қўлтиқлаб, суяб

янграй бошлади. Йигитлар бизларни танқимиз ёнигача кузатиб келишди. Бир-икки кунга етди-ган егулик қолдиришди. Тунни шу ерда ўтказдик. Эртасига бизни ахтариб келган қисиммиз аскарлари танқимизни шатакка олишди. Биз қўшиқ туфайли, Тагирнинг гармони сабаб ноталиш қишлоқда шунчалик иззат-ҳурматга сазовор бўлган эдик.

Мана бу даврамиздаги қўшиқчини ҳам аслида ёқимли овози эъзога чулғабган эди. Мен у хаёқдай олднинг фикримдан қайтдим, ҳатто ич-ичимдан изза тортиб ўтирдим.

Ҳаёл деган ёмон нарса. Бир илакишса, илакишаверади. Уйга келиб ҳам тўйдаги ногирон кўшиқчи ҳақидаги хаёллардан қутула олмадим. Ҳеч кимга нафи тегмайдиган, соғлом оёқлари бўлатуриб, гандираклай юрган Эшим пиёндан ижиргандим. Шундай ажойиб овозли санъаткорни эса имконларини чеклаб қўйган бевафо дунёдан хафа бўлиб кетдим.

Шуларни ўйлай-ўйлай уйкуга кетибман. Бирок бу воқеа мени тушимда ҳам тинч қўймади. Эшим пиён махлуққа ўшармиш. Боши оданикию гавдаси илонники! Судралиб-судралиб зўрга юрармиш. Шу пайт ҳалиги тўйдаги хофиз қанот чиқариб, оҳиста кўкка парвоз қилди. Қанот қоққани сайин ёқимли оҳанглари таралади. У анча унча, оҳиста ерга кўнди. Қанотларини йиғиб, оёқлари ёрдамида юра бошлади. Боғлоқлик турган ситир ва кўй-эчкиларнинг арқонларини бирма-бир ечиб юборди. "Худо буларга оёқ ато қилибдими, яйраб юрсинда, жониворлар!" — дермиш, одамлар унинг гапини маъқуллаб қарсақ чалармиш. У яна қанот ёйиб парвоз қилди. Бутун оламни сеҳрли оҳанглари чулғаб олди.




Уни илк бор маънос нигоҳли ўспирин қиз Асал қиёфасида ("Хаммаёқни оппоқ қор қоплади") кўрдиқ. Кейин унинг исёнкор Зайнабига ("Шайтанат") дуч келдик. Аста-секин у қалбимизга тақдирга бўйсунгани келмаган келин ("Чимилдиқ"), маъсума Гунафша ("Ватан"), унсиз нигоҳлари жовдираб турган соқов қиз ("Ўтов"), бутун ҳаётини санъат ўғирлаган актриса ("Сукунат"), мактублардан таскин топган шикаста аёл ("Мактуб") бўлиб қириб келди. Бу моҳир актриса — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Шодиевадир.

— Кино кўпчилигининг машаққатли меҳнати билан юзага келади. Унинг муваффақияти фақат биргина актёрга боғлиқ эмас, — дея гап бошлади қахрамонимиз. — Ҳозир нафақат кино санъатида, балки санъатнинг бошқа соҳаларида ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда. Кино санъати билан кино санъати ҳамоҳанг ривожланипти. Уйлашимча, бу борада ҳолис ҳакам

моқчи бўлганимда ота-онам кескин рад этган. Улар кино тугул бошқа жойга ҳам мени ҳеч ёлғиз қўйишмасди. Қамара она уйдагиларни кўндириш учун бир ҳафта катнаган. Ниҳоят рози бўлишди. Режиссёр менга шундай шароит яратиб бергандики, суратга олиш жараёнида ҳеч қийналмаганман. Фақат ўшанда бетоб бўлиб касалхонага тушиб қолганим боис суратга олиш ишлари Бухоро

# “ЧИМИЛДИҚ”ДАГИ РАЪНО



вақтнинг ўзи. Яъни ҳаммасини вақт хал қилади. Мухими, томошабинда танлаш имконияти бор. Ким учундир кино бир хобби бўлиши мумкин. Гарчи асосий мутахассислигим бошқа бўлса-да, кино ҳеч қачон мен учун шунчаки ҳавас бўлиб қолмайди. Санъат менинг ҳаётимда катта аҳамиятга эга. Агар зарур бўлса, унга бор ҳаётимни бағишлайман.

— Болалик хотиралари юракка абадий ўчмас бўлиб муҳрланади. Сизда санъатга, хусусан кинога қизиқиш қандай бошланган?

— Авлодимизда санъаткорлар бўлмагани учунми, мен бунга жиддий аҳамият бермаганман. Актриса бўлишни уйламаганман. Бирок мактабимизда бирор тадбир ўтказилгудек бўлса биринчи бўлиб менга мурожаат қилишарди. Кино менинг ҳаётимда мулақо тасодифий ҳол. Илк марта режиссёр Қамара Камолова тақлифи билан синовга бор-

шаҳрида ярим йилга чўзилган эди. Қалб ёлғизлиги ҳақида хикоя қилувчи бу филм “Хаммаёқни оппоқ қор қоплади” деб номланарди.

— Филмларда сизнинг асосий шерикларингиз профессионал актёрларми...

— Ҳа, шундай. Жумладан, Нозим Тулаҳужаев билан жуда кўп филмларда бирга рол ижро этганмиз. Ижодий фаолиятимда бу инсоннинг таъсири катта. Қайси филм бўлмасин, синовдан олдин албатта Нозим ака билан маслаҳатлашиб, у кишининг фикрларини тинглайман. Яна бир доимий партнёрим Бобур Йўлдошев. Бобур билан бахсларимиз ҳар қанча кескин кечмасин, барибир, ишлаш ниҳоятда қизиқ...

— Сиз учун қайси режиссёрлар билан ишлаш мароқли?

— Авваламбор, кинода илк қадамимни қўйишимда кўмак берган устозим Қамара Камолованинг меҳнатларини эътироф этишим жоиз. Мен ниҳоятда ҳурмат қилган ижод-

## Учрашув

корлар — Зулфиқор Мусоқов, Аюб Шаҳобиддинов ва Ёлқин Тўйчиев! Улар ҳам менинг устозларим десам ҳеч муболага қилмаган бўламан. Учаласининг ўзига хос ишлаш услуби ҳамда бир-бирига сира ўхшамаган ўзгача дунёқараши бор. Масалан, Мусоқов ҳар бир ижрога ўз муносабатини билдириб, чапак чашиб, актёрларни руҳлантиради. Ёлқин билан ишлашнинг мураккаблиги шундаки, суратга олиш жараёнида ҳеч ҳам бизнинг меҳнатимизни эътироф этмайди. Қўйилмақом қилиб ўйнаган сахналарингизни ҳам биргина «бўлади» сўзи билан баҳолайди. Бундай «мақтов»дан сўнг ҳар қандай актёр ҳам ўзини нуноқ сезиб, яратётган образига янгиликлар киритишига ҳаракат қилади. Бир сўз билан айтганда, Ёлқин Тўйчиевнинг бунақа муносабати бизни «юлдузлик касали»дан асрайди.

— Қайсидир маънода мағлубияту омадсизликлар ҳам инсонни шакллантиради. Шу боис омадсиз роллар муваффақият сари элтувчи бир поғона вазифасини ўташи мумкин... Ана шундай ролларингиз борми?

— Шубҳасиз, омадсиз роллар ҳар бир актёр ижодида учрайди. Ҳар қандай ролни катта экранда кўрганингдан кейин нуқсонларингиз кўзга ташлана бошлайди. Энг оғирини ҳам шу. Ўзининг танбеҳларига кўмиб ташлаётган: нега бундай ўйнадим? Бу ерда бошқача ижро этишим керак эди-ку! Энди кеч, ҳеч нарсани ўзгартирма олмайман. Қачонки томошабинга ёққанини билганингиздагина кўнглингиз тинчигандек бўлади. Йиллар ўтган сари ишингиз муносабатингиз ўзгариб борар экан. Масалан, «Чимилдиқ» филми катта экранларга чиққанда ўзимга кўп жойлари умуман маъқул келмаган. Бирок ўн йил ўтиб, яна қайта кўрганимдан сўнг, ундаги бегубор кўзлар ва табиийлик бугун мени ҳаяжонлантиради. Барибир ҳамиша ўзимга-ўзим диққатингни фақат танқидга қарат, деб таъкидлайман. Мақтовни бир қулонинг билан тингла-

да, ўша захотийёқ, кечиктирмасдан иккинчи қулонингдан чиқариб ташла. Лекин қанчалик эплай оламан, билмадим...

— Айна дамда нималар билан бандсиз?

— Яқинда Москвада ижодий сафарда бўлиб қайтдим. Владимир Бишонский ҳақида филм олинаётган экан. Шунга эпизодик ролга тақлиф қилишганди.

Айни шу кунларда Микоил Сулаймоновнинг «Сабок» деб номланган филмининг суратга олиш ишлари якунланди. Шу филмда ҳам иштирок этдим. Тез кунларда премьераси бўлиши кўзда тутилган. Албатта, янги ижодий ишимиз ҳам камчиликлардан холи эмас, шундай бўлса-да, томошабинларга манзур бўлади, деган умиддаман.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.

Шаҳноза НУРМАТОВА суҳбатлашди

# ИЖОД БАХТИ ИЗЛАНИШДА

Бошланиши биринчи саҳифада

1. Ўз фикри ва кайфиятини бошқаларга бадий йўсинда етказиб беришга қодир бўлган истеъдодли кишиларни биз ижодкор, деб атаймиз. Улар турли воситалар: сўз, бўёқ, рақс, ҳис-туйғулари чиройли ифодалаб, санъат даражасига етказиб, бошқаларнинг маънавий дунёсини бойитишига ҳаракат қиладилар. Худди шу жараёнда ўзида ижод ўз вазифасини баҳара бошлайди. Ўз вазифаси деганда эса мен ижоднинг асл моҳияти — инсонпарварлигини тушунаман.

Ижод оламига ҳар ким ҳар хил йўлдан кириб келади. Кўпинча ё оилавий муҳит таъбир кўрсатади ёки Оллоҳ берган табиий иктидор юзага чиқади. Ҳар иккала ҳолда ҳам ижодкор изланиш ва риёзат чекишдан қочмаслиги керак. Ўзимга келсак, отам Жўра Шуқуров мусиқа кишиси — хормейстер, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби. Болалигимдан турли оҳанглар оғушида, мусиқа жаранглаб турган оилада ўсиб-ўлғайганман. Турли мусиқа одамни турли аурога, муҳитга олиб киради. Яъни ҳар бир мусиқий матн ўз характерига эга бўлиб, куй лирик оҳангдан шўх-шодонга, қайғули ҳолатдан хурсанд кайфиятга ўтганда тингловчининг ҳиссиётига таъсир этади. Мени мана шу жараён ниҳоятда қизиқтиради. Қалбимда кечаётган ўзгаришларни фортепиано оҳангларига кўчиришга ҳаракат қилардим. Шу тарихда дастлабки кичик-кичик куйларим пайдо бўлди, кейин фортепиано учун пиесалар ёза бошладим. Ҳозирда эса оркестр учун ёзган концертларим янграб турибди.

2. Хоҳ профессионал ижодкор бўлсин, хоҳ ёш ҳаваскор, ижодий жараёни мунтазам кузатиб бориши, янгиликлардан хабардор бўлиши талаб

этилади. Агар маҳоратли режиссёр, шоир, ёзувчи, мусиқачилар билан суҳбатда бўлсангиз, жаҳон адабиёти, шеърини, мусиқаси, тарих ва тасвирий санъат асарларини муттасил мутолаа қилишлари, ижодиётнинг сиру асрорларини чуқур ўрганишларини сезасиз.

## Навқирон авлод сўзи

Ана шундай асарлар бизнинг руҳимиз, шууримиз, маънавиятимизни юксалтиради. Афсуски, бугун баъзи эстрада



хонандлари кўшиқ яхши шеърнинг томирида ураётган руҳ билан тирик эканини тушуна олмайптар. Натижада, ашула сўзларидаги талаффуз ва ургуларни нотўғри қўллаш ҳоллари кузатилади. Аёл хонандлар фаолиятида Фарб шоу-бизнес вакиллари услубга тақлиб, уларни такрорлаш жиҳатлари устунлик қилаяпти. Уларнинг Шарқ аёлига хос бўлмаган хатти-ҳаракатлар билан клипларда суратга тушишни қандай изоҳлаш мумкин?

Шу ўринда Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева ижодини ўрнатқилиб кўрсатиш ўринли деб ўтайман. У ҳар бир сўзини чуқур ҳис этиб куйлайди. Кўшиқларида сўз, мусиқа ва матн уйғунлиги мавжуд. Экран қар-

шида шарқ аёлига хос фазилатлари аён сезилиб туради.

3. Таъбир жоиз бўлса, ижод инсон қалбига гўзалликни тарбияловчи ва фикрий салоҳиятни юксалтирувчи ҳодиса. Демак, ижодкор қай бир маънода тарбиячи ҳам. Юртимизда ижодкорнинг, хусусан, ёшларнинг фикрий салоҳиятини юксалтириш йўлида катта ишлар амалга ошириляпти. Бундай эътибор ва имкониятдан қандай фойдаланиш одамнинг ўзига боғлиқ, албатта. Изланишлар ҳеч қачон самарасиз кетмайди. Мусиқа оламида ўз ўрнини топишга интилимим тубайли грант асосида Америка ва Германияда жаҳонга танилган етук мусиқа даргаларининг маҳорат дарсларида қатнашдим. Австрия, Белгия, Италияда ўтган замонавий мусиқа фестивалларида асарларим янгради.

Хўш, уларнинг қизик композиторлари асарларига қизиқишлари сабаби нимада? Маълумки, гарбада композиторлик мактаби бир неча асрд олдин шаклланиб бўлган. Бизда эса бу мактабнинг шаклланиб, ривожланиш босқичига қадам қўйилганига кўп вақт ўтгани йўқ. Биз ўз ижодимизда техник усулларни гарбадан олсак-да, гарбона садоларни миллий оҳангларимиз билан уйғунлаштириб, гўзал замонавий асарлар яратиш устида изланишимиз. Айнан шу нарса, яъни ўзбек композиторлик мактабига миллийлик чет эллик мутахассислар ва муҳлис-рлар манзур бўлган. Ўзбек композиторлик ижодиётининг жаҳонда тан олиншига ҳисса қўшаётганимиз бизга фахр-ифтихор бағишлаши билан бирга масъулият ҳам юклайди.

Ҳозирги кунда “Омнибус” замонавий мусиқа марказида ёш композиторлар учун ташкил этилган “Омнибус лабораториюми” ансамблида продюсерлик қилаяман. Бу ерда ўтказилётган халқор миксдаги маҳорат дарсларида Марказий Осиёда ижод қилаётган ёш композиторлар учун Америка, Италия каби давлатлардан келган танили санъаткорлар маҳорат дарслари ўтишарди. Айни вақтда бундай тадбирлар ўзаро тажриба алмашиш учун ҳам муҳим восита ҳисобланади.

Ижодкор жараёнга четдан назар ташлаб, таҳлил қилиб, ўзидан ўтказ олсанга эзгу мақсадга эришиши мумкин.

эллик сайёҳларни ўзига жалб этишига ҳисса қўиш ниятида.

Флора ФАХРУТДИНОВА

Суратда: “Тошкент” кўчасидаги салон

## “Тошкент” кўчасида гўзаллик маскани

Самарқанднинг Регистон майдони билан Сиббозорини туташтирувчи кўча пойтахтимиз Тошкент номи билан аталади. Ана шу серсоя кўчада халқ амалий санъати саломи жойлашган. Қўли гул хунармандларнинг бетакрор буюмлари билан тўлиб-тошган бу маскан ҳамиша одамлар билан гавжум.

“Кўриб турган буюмларингиз уста Мўтабар Раҳимова бошчилигида ишланган, — дейди дўппи сотаётган Давлат Нуруллаев худди билимдон экскурсоводлардек. — Бу аёл зардўзлик цехига раҳбарлик қилади. Кўп буюмлар қўлда

бажарилган. Айниқса, янги келин-куёвлар учун мўлжалланган либослар кўзни қамаштиради. Ёшларимиз ўртасида миллий либосларимизга талаб суаяётганидан хавотирдаман. Албатта, ҳар кимнинг ўзига хос диди бор. Лекин кўзни қамаштирувчи миллий либосларимизга не етсин.”

Д.Нуруллаев ҳозир тўқимачиликка доир бўлган ўз қорхонасини очиш ниятида. “Самарқанд текстилчилар” компанияси билан ҳамкорлик қилиб, физика-математика лицейини тугатган бу сергайрат инсон кейинчалик талабалар алмашиш бўйича давлатла-

раро шартнома асосида Ростов университетиде иқтисод ва сервис соҳаси бўйича таълим олди. У Самарқанд тарихий обидалари билангина эмас, халқ амалий санъатининг юксак намуналари билан ҳам чет



# ЭЗГУЛИККА ДАЪВАТ

Юртбошимиз “Юксак маънавият — энгилмас куч” асариде театр, кино, адабиёт, мусиқа, рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъатини — оммавий аҳборот воситалари, таълим-тарбия тизими каби муҳим соҳалар қатори — инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган соҳалар сифатида таърифлайди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллий маданиятимизнинг узвий қисми бўлган ана шу муҳим соҳаларни кенг ривожлантиришга қаратилган дастур ва режалар муваффақиятли тарзда ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Юртимизнинг барча

Таниқли шоир Исмоил Тўхтамышев қаламига мансуб икки жилдлик “Бу улғаш саҳнада...” деб номланган китобни юртдошларимизнинг айни шу эътижини қондириш йўлидаги муносиб қадам, деб баҳолаш мумкин.

Китобнинг дастлабки жилди 2006 йили “Янги аср авлоди” нашриёти томонидан чоп этилган эди. Унда Қашқадарёда туғилиб-ўсган саксонга яқин ижодат фидойилари ҳаёти ва анъона ҳақида хикоя қилинади. Миллий маданиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшган, номини халқимиз ҳурмат-эҳтиром билан тилга оладиган Ўзбекистон халқ артистлари Икром Болтаева, Фароғат Раҳматова, Мухтарам Носилов, Баҳром Камолов, Маждид Маматов сингари таниқли санъаткорлар билан бирга, вилоятда яшаб фаолият кўрсатаётган санъаткорлар ва маданият ҳодимлари, кўплаб умидли ёшлар ҳақидаги мухтасар ва қизиқарли очерклар шу китобга жамланган.

Яқинда “VORIS-NASHRIYOT” томонидан маъруз китобининг иккинчи жилди нашр этилди. Янги нашр саҳифаларида Қашқа воҳасида туғилиб-ўсган ва бугунги кунда миллий санъатимиз раванқиға муносиб ҳисса қўшиб келатган, юртимизнинг кўпсонли санъат илосмандлари олқишига сазовор бўлган олтиминдан зиёд санъаткор, рассом, ҳайкалтарош ва кулларнинг ижодий

фаолияти кенг ёритилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Алишер Навоий номидаги опера ва балет катта академик театри хонандаси Гўлнат Мустафоев, Ўзбек миллий академик драма театри актёри Фарҳод Абдуллаев, шунингдек, юртимизда ва хоризда танилиб улгурган ёш рассом Алишер Алиқуллов ва бошқа ижодкорлар ҳақидаги очерк ва мақолаларни ўқиб, асарлари билан яқиндан танишасиз.

Ўзбекистон Қахрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов таъкидлаганидек, бу китоблар ўқувчиларнинг Қашқадарёда туғилиб қалмагач етган, бугунги кунда Ватанимиз пойтахтида ижод қилиб, элимиз эътирофига сазовор бўлаётган санъат фидойилари ҳақида ҳам маълумот беради. Энг муҳими, кўплаб шеърини ва публицистик китоблар муаллифи Исмоил Тўхтамышевнинг маъруз китоби жилдди асари китобхон қалбига илқ таассурот қолдиради.

Акмал САИДОВ, профессор

## Оилавий ансамбллар танлови

Қуни кеча Жиззах шаҳридаги Юнус Ражабий номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида “Баркамол авлод йилга бағишлаб” оилавий ансамблларнинг республика кўрик-танлови бўлиб

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият олиб бораётган 12 та оилавий ансамбл ўзаро ижодий беллашди.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига асосан олий ўрин Жиззах

## Оилавий ансамбллар танлови

туманидан Ҳақимовлар оилавий ансамблига, иккита биринчи ўрин Олмалиқ шаҳридан Исмиёминовлар ҳамда Қўқон шаҳридан Шерқўзиёевлар оилавий ансамблига, утти иккинчи ўрин Андижон вилоятиндан Раҳмоновлар, Самарқанд вилоятиндан Сирожидиновлар ва Қашқадарё вилоятиндан Исқовлар оилавий ансамбллари, учта учинчи ўрин Сурхондарё вилоятиндан “Охува” фольклор-этнографик оилавий

ансамбли, Нукус шаҳридан Ортабевлар ҳамда Хоразм вилоятиндан Рўзметовлар оилавий ансамблларига берилди. Яққабог туманидан Исқовлар оилавий ансамбли иштирокчиси Жаббор ота Исқов “Энг кекса ижрочи”, Наманган вилоятиндан Жамиловлар оилавий ансамбли иштирокчиси Хумоюн Хусанов “Энг ёш ижрочи”, Андижон вилоятиндан Раҳмоновлар оилавий ансамблидан Гулҳаё ва Омадилло Жўраев “Энг яхши рақс жуфтлиги” номинацияси бўйича тақдирландилар. Ватан ҳақидаги энг оммабон ва яхши кўшиқ ижрочиси учун Қашқадарё вилоятиндан Улугбек ва Аслиддин Исқовлар, Хоразм вилоятиндан Севинчой ва Элёрбек Рўзметовлар, жозибали кўшиқ ижрочиси учун Фарғона вилоятиндан Намунахон Шерқўзиёевага махсус совринлар топширилди.

Мухаммадхон ҚОЗОҚБОВ

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

Тошкент Фото уйида Балий академия, Байналмилал маданият маркази ва “Тасвирий ойна” уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган “Ўзбекистон — умумий уйимиз” фотофурғамаси очилди.

Бугунги кунда юртимизда 130 дан ортиқ мильват ва элпат вакиллари тинч ва осойишта яшаб келмоқда. Улар ягона Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, ривожланиши учун иқтисодий, фан, маданият ва бошқа жабҳаларда меҳнат қилар эканлар, гурур билан “Ўзбекистон — умумий уйимиз” дейдилар.

Ҳар йили марказлар томонидан қўлаб турли концерт, балий кечалар, фестивал ва танловлар, кўрғазма ва учрашувлар ўтказилади. Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истроҳат боғида Марказ томонидан бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган мильват маданияти ва халқ бирдамчилиги тараннум этувчи Ўзбекистон давлат байрамларига бағишланган сайил ва тадбирлар томошабинларнинг доимий олқишига сазовор бўлмоқда.

Таниқли фото усталари ва энди фаолият бошлаган фотожурналист асарларидан ташкил топган “Ўзбекистон — умумий уйимиз” фотофурғамасида она заманининг бетакрор гўзаллиги, ягона оилада тинч ва осойишта яшаётган кўп мильватли халқимиз, унинг янша бахтли ва барқарор келажакка бўлган ишончи тасвирланган асарлар намоиши этилди.

С.ҚОШИМОВА

йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани менежмент ва технология коллежи томонидан 2006 йил К №538561 регистр №8896 рақам билан Базарбаев Шухрат Рузйабоевич номига берилган диплом йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

2-Тошкент юридик коллежи томонидан 2006 йил К № 54474 рақам билан Джаббаров Комил Санакуюлович номига берилган диплом йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани томонидан рўйқатга олинган “MODUS OPERANDI” МЧЖ низоми жағфармасининг 25.000.000 сўмдан 22.495.000 га камайtirганини эълон қилди.

# ГУЛГУНПЎШ ҚИЗЛАР МАҚОНИ

Дилшод Эшматов 1977 йили туғилган. Рассом ижодида ўзи ўсиб-ўлғайган Фарғонанинг, хусусан, Қува анорининг минг бир тиссоллари картини ва манзараларда турлича юк таъшийдан улгу сифатида қўлланилган. Анор тиссоли ёруғлик, эзгулик, олижаноблик каби халқимизнинг қадимий тушунчаларини ифода этади. Унинг бу мавзудаги асарлари орасида “Чистон. Анор” композицияси алоҳида эътиборга сазовор.

Анор қадимдан ҳосилдорлик рамзи сифатида Шарқ шоирлари томонидан тараннум этилган. Айниқса, инсон образини ўсимлик ва мевалар, хусусан, анор тиссолида ифода этиш асарлар мобайнида аяна тусига кир-

қизларнинг нозик тиссолларини мажозий ҳолда олиб кирган. Албатта, ҳақиқий санъат асари яратиш учун фақат дадил, ўзига хос ечимнинг ўзи етарли эмас.

Композициядаги ҳар бир улгу-унсур пухта ишланиши, уларнинг бари аниқ бир мақсадга бўйсундирилиши, рангларидаги жиҳватларнинг ўзаро мослашуви, улардан ҳосил бўладиган тароватнинг таъбир кучи каби муҳим омиллар ҳисобга олинган шарт. Дилшод худди ана шулардан унумли фойдаланган ҳолда рангтаъбир маданиятини яратилишига интилади. Бугунги кунда кўпчилик рассомларимизда ана шу маданият етишмаслигини кузатиш мумкин.

ди. Уқиб, фаҳмлаб олинишига мўлжалланган таъбирда қўндаланг ёриб олинган анорнинг бир палласи ичига рангтаъбир мақони ҳозирланиб, унга ўзбек қизлари тиссоллари киргизилган.

### «ЎЗАС галереяси»

Қизларнинг етти нафар экани Навоий “Ҳамса”сидаги етти гўзални ёдга солиди. Қизларнинг либослари, дўппилари, соч турмаклари бир-бирига ўхшаш бўлса-да, уларни юз қиёфаси, кўзу қош чизмалари фарқлантириб туради.

Рассом асардаги реаллиқни кўп деталлар билан тўлдириб ташламайдиган, воқелиқни нозик ишоралар тили билан ифода этади. Бунинг учун ўхшатишлар, бадиий сюжетлар, ривоятлар шъриятимиз образларига мурожаат этади. Миллий тафаккур ифодасини таъбирий санъат кенгликларига олиб чиқишда ана шундай илдириш бадиий услуби сезилади.

Қизлар юзида қайғу-алам эмас, сокинлик, сабр ва майин лафоғат балқиб туради. Бу сокинликда шилдат ва таранглик яширин. Сабрда тошқин туйғулар жиҳови бор. Майин лафоғатда эса завку шавқ, эҳтирос ҳаётлари барқ уради. Бундай манзара реаллик ва тасаввур чегараларини кенгайтиради. Бизнинг нигоҳимиз оддий анорнинг қил-қизил пўстлоғи унинг саф тортидан дуру маржондек доналари, анор тўққан гулу унинг ўрнида қолган кўз киприклари каби майин туклардан сиру синопат, гўзаллик ва ҳикмат излай бошлайди. Худди ана шу ҳикматнинг озгина пардаси кўтарилиши билан ҳар бир улгу маъно касб эта бошлайди, ундаги жозиба шууримизни равшанлаштиради.

Ноҳир НОРМАТОВ



ган. Буни мумтоз ва замонавий рассомлар ижодида қўришни мумкин. Дилшоднинг ютуви шундаки, у ўзбек шъриятдаги образга мурожаат этиб, анорнинг ички оламига ўзбек

Рассом сюжет тасвиридаги маънолар ҳазинасини ошқор қилиш йўлидан бормайди, аксинча, томошабинни Гўзаллик ва Нафосат орқали мафтун этиш мақомини танлай-

Кейинги юз йил ичида адабиёт соҳасида Нобель мукофотига сазовор бўлган ижодкорларнинг ҳаёти ва ижоди, дунёқарашу, мукофотни топшириш чоғидаги маърузалари, умуман, бу нуфузли соврин атрафидидаги расмий-норасмий, ошқора-пинҳона гап-сузлардан иборат қизиқарли маълумотлар билан танишар эканман, кўнглимда баъзи мулоҳазалар ҳам тургиди.

Лев Толстой Нобель мукофотига сазовор бўлишни истамеган. Сюлли Прюдом, гарчи ўзи ночор аҳволда бўлса-да, мукофот пулини ёш шоирларни қўллаб-қувватлашга сарфлаган. Альфред Нобель ўзи жорий қилган мукофотни “миллати ва келиб чиқишдан қатъий назар, энг муносиблар”га берилишини васият қилган экан. Фикримча, бу васиятга ҳамма ҳам амал қилинмаган бўлганда, Иосиф Бродский мукофотни олар экан, “Мен бу ерда мендан аввал мукофот олганлардан эмас, балки муносиб бўла туриб, ололманлардан ҳижолатдаман” деган ва Осип Манделштам, Мария Цветаева, Анна Ахматова, Иван Буниннинг келтирган. Россиялик танқидчи Вадим Кожиннинг фикрича, “мукофотнинг баъзи-баъзидан Осий ва Африка ёзувчиларига ҳам берилиши унинг халқаро мақомга эга эканини кўз-кўлашга ҳам амал қилинаётган кўзбўямачилиқдан бошқа нарса эмас”.

Дунё шундайки, ҳар қандай муаммалар қарор ҳам, зарур бўлиб қолса, шубҳа остига олиниши мумкин. Зарурат эса кутилмаганда пайдо бўлиб қолади. Мен айтиш шубҳасиз эмас, ўшбу мукофотга муносиб кўрилганларнинг айрим фикрларида қиздиким.

Европада анча шов-шувга сабаб бўлган “Евузлик” романи муаллифи, Нобель мукофоти соҳибаси Герта Мюллер хонимнинг социалистик тузумга берган баҳоси жуда аниқ ва ишонарли чикан: “Социализмнинг бош гоиси шундайки, бу тузумни қўлдан келганича алданиш мумкин, аммо минг уринганинг билан сен уни у сени алдаганичалик алдай олмайсан”.

Шимолӣ Ирландиянинг Дерри графлигида туғилган Шеймас Хиннинг фикрича, ер, яъни она-замин инсонлар тақдирининг тиссол бешиги, унда ҳамма нарсаининг асоси ва интиҳоси — яраллиш ва бузилиш, туғилиш ва ўлим, мангу ором ва қайта келиш... каби жараёнлар бирлашиб кетади. Ундан “Сизга Нобель мукофотининг берилиши адолатли қарорми?”, деб сўраганларидан у қуйидагича жавоб қайтарган экан: “Асарлари ва ижодий фаолияти муносиб бўлган барчани тақдирлашга мукофотлар етишмайди. Жуда ҳам оддий

бир иш — бордию ҳар бир мамлакатда Нобель мукофотига муносиб даражада ижод қилган, аммо тақдирланмаган ижодкорлар рўйхати тузиб чиқилса, масала равшанлашган бўларди. Мана, мисол учун. Жойс олмади, Набоков тақдирланмади. Менга бу мукофотни беришганида, дастлаб яқин дўстларимга — шoir Теди Хьюз ва драматург Браян Фрилга қўнғироқ қилдим, улардан уэр сўрадим, мени кечиринглар, мукофотни менга адашиб беришибди, лойик номзодга беришмабди, дедим”.


Мукофот соҳиб Иосиф Бродскийнинг қуйидаги фикрлари ҳар қандай кишини жиддий ўйлантириб қўяди: “Ўзини англаш ва тушуниш — инсоннинг бош вазифаси. Унинг ўзига берадиган биринчи саволи: “Мен америкаликманми, италияликми, швейцариялик, швейцариялик ёки японияликми, Худого ишонманми ё ишонмайманми, қайси дин, қайси фалсафага эътиқод қўйганман — булар ҳақида эмас, аксинча, “Хўш, мен ўзи кимман, кўрқок эмасманми, одамлар билан муносабатда қатъий ва жуърятлиманми, ҳалолманми ёки ҳалол эмасманми, бошқа жинс вакиллари билан муомала қандай, улар билан келиша оламани — мана шундай саволлардан иборат бўлмоғи керак. Ҳар бир одам бу борада аниқ бир қарорга келиши лозим”.

Александр Исаевич Сольженицин Нобель маърузасини қилиш учун минбарга кўтарилар экан, ҳаҳшон оғушида шундай дейди: “Мен ҳамма ёзувчиларга ҳам насиб қилавермайдиган, насиб қилганда ҳам фақат бир марта имкон бериладиган ўшбу минбарга текис учтўртта зинапоядан чиқиб келганим йўқ. Аксинча, юзлаб, балким минглаб чаларям, муз қолган қиррали зинапояларни босиб, зулмат қарьидан ўлмай чиқиб келдим. Бошқалар, эҳтимол, мендан ортик иқтидорли ва кучли бўлганлар, ҳалок бўлишди. Минглаб оролларга сочилиб кетган Гулаг архипелагида улардан айримлариникина учратдим. Таъкибларнинг зил-замбил тошлари ва ишонсизлик оқибатида ҳамма билан ҳам очиллиб қолган оламиди. Айримлари ҳақида фақат эшитганман, бошқа биларини тасаввур қилганман, ҳолос. Адабиётда ном қозониб, ўша жарликларга қулаганларнинг ҳеч бўлмаса номи қолади. Аммо танилмаган, номи очик-ошқора айтилмаганлар қанча? Улардан

деярли ҳеч ким тирик қайтмади. Бутун бошли миллий адабиёт у ёлқарга нафқат тобутсиз, ҳатто ички кийимсиз, яп-ялонғоч ҳолда, оёқ бармоғига боланган ёрлик билан қўмиб ташланди. Бироқ рус адабиёти бир сония ҳам тўхтаб қолмади. Четдан қараганда, у ўлик туюларди. Урмон гурираб усиши мумкин бўлган жойда ҳамма дараклар ҳар қилса ҳам яшада давом этади, чунки бир-иккитаси тасодифан четда қолиб кетади”.

## АСАР УМРИНИ БАДИЙЛИК БЕЛГЛАЙДИ

### Нобель мукофотига тобингиз қалай?



Мукофот соҳиб Иво Андричнинг фикрича, тарихда содир бўлган воқеалар, аслида, инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти ҳақидаги ягона тарихдир. Албатта, улар қайси вақтда, қандай ҳолат ва қайфиятда, нима мақсадда ёзилганидан келиб чиқиб, шакли, услуби, яқуний ҳулосаси жиҳатидан фарқ қилиши мумкин, бироқ бир ҳақиқатни унутмаслик керак — тарих ҳеч қачон ўзгармайди.

Нобель мукофотининг бошқа бир соҳиб Сен-Жон Перс ўз маърузасида эътиборни муҳим бир жиҳатга қаратади: “Нима узок яшайди: фикрими ё шърий фаросат? Фараз қилинг, тун қоронғулигида иккита тумга кўр пайпасла-ниб боришяпти. Бир илм билан қурол-ланган, иккинчиси эса ички сезим билан ҳаракатланади. Қайси бири бу вазиятдан олдин чиқади, қайси бирининг дилида йўл кўрсатувчи ёруғлик кўпроқ?

Жавобларни фарқлаш қийин... Поэзия, нафқат дунёни билиш, балки у ҳаётнинг ўзи ҳамдир. Шоирлик қабилиқлик даврида ертўларда яшаган одамнинг қалбида ҳам бор эди, у атом асри одамнинг руҳида ҳам яшайди”.

Нобель мукофотига сазовор бўлганда энди қирқ тўрт ёшга кирган Албер Камю ўз маърузасида ҳажонини яширмайди: “Ҳар бир одам, айниқса, санъаткор оёру орттиришни истайди. Мен ҳам шулар қаторидаман. Сизлар-

нинг қарорларингизни эшитиб, унинг қиммати ўзим билан таққосладим. Ахир, ҳали ёшман, ягона бойлигим турфа хил шубҳалару ёзилмаган китобларим бўлса, ишда ҳам, ўзаро муносабатларда ҳам ёлғизликка ўрганиб қолган бўлсам, қўққисдан мени осмону фаллака чиқариб қўядиган қарорни эшитганда саросимага тушмай бўладим? Яшириб ўтирмайман, мен саросимага тушдим, ичимда бир ҳажон қалқиди. Ўзимни босиб олиш учун менга бу қадар саховат кўрсатган қисмат билан ҳисоб-китоб қилмишга тўри келади. Мен ўзимни бундай мартабага лойик, деб ҳисобламайман. Аммо, айтишим зарурки, бугун умирим давомида турли вазиятларга дуч келганимда менга мадад берган бир нарса бор, бу — менинг санъат ва ёзувчи масъулияти ҳақидаги тасавуруларим...”

Америкалик ёзувчи Уильям Фолкнер ижоди билан таниш бўлмаган китобхонлар унчалик кўп эмас. Адибининг ўзи эса ижоди, асарлари ва мушарраф бўлган мукофотлари боис шухрат пиллапоясига кўтарилиши мутлақо истамаган. Сухбатларидан бирда қабр тошига битилдиган: “У китоблар ёзмади ва оламдан ўтди” деган бир жумла ҳаётининг маъно-моҳияти, ўй-қарашлари, жамки интилишларининг мақсад-муддаоси эканлигини очик таъкидлайди. “Баъзи ёзганларимга имзо қўймасам тўри бўларди”, дейди. “Қалбаки пул ясовчилар” романи билан йигирманчи асрининг етук ёзувчилари сафидан жой олган француз адиби Андре Жиднинг мукофот тўғриси-

Бизлар илк бор Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида танишган эдик. У пайтларда (ўтган асрининг 70-йиллари боши) Миржалолнинг отаси Миртемир домла ҳам шу нашриётда катта муҳаррир бўлиб ишлар эдилар. Ўғиллари билан ҳаммабаалигим сабаб мен домланинг уйларида кўп марта келганман, бир лаганда ош ейишганмиз, ҳазил мутуғибаларидан баҳраманд бўлганман, уй кутубхоналаридан фойдаланганман. Кичик ўғиллари Мирзагон (Миртемир домла шу ўғилларини эркалаб, доим “Мирзагон” деб айтар эдилар) касби ҳиндушнос бўлганидан менинг бу оилга яқинлигим ана бир қарра ошар эди.

Миржалол эса арабушнос бўлиб, бир қанча хориж мамлакатларида қатор йиллар таржимон бўлиб ишлаб келган эди. Фақат бир “айби” — Шарқшунослик факултети (ҳозирги институт) ни рус тили йўналишида битиргани учун отаси қўлидан байроқни батамом “олиб” улгурмаганди. Аммо умрининг охиригача ўзбек адабиётига, она халқига ҳалол хизмат қилди — жуда кўп ўзбек шоир ва ёзувчиларининг катта-кичик асарларини рус тилига қўйил қилиб ўтирдди. Мен, мисол тариқасида, ўзим шохид бўлганимни айтганидан бўлсам, севимли адибимиз Ўткир Ҳошимов икки ё уч асрадини Миржалол Турсунов тўғридан-тўғри рус тилига бадиий таржима қилганини ва кўнглилари тўғганини эътироф этган эди. Худди шундай эътирофни Пиримқул Қодировдан ҳам эшитганман.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Александр Файберг, Борис Пак, Раим Фарҳодий, Алишер Отақузиёв билан ижодий ҳамкорлик қилар эди. Шаҳсан ўзим рус тилидан таржима қилиш сирларини айнан шу дўстимдан ўрганишимни юрагим тўлиқиб эслайман энди. Демак, Миржалол Турсунов менга дўстгина эмас, устоз ҳам эди. Таъхир бобид ҳам тенгсиз муҳаррир эди у. Биргина мисол.



Миржалол ва оиласи

Кекса авлод вакилларида моҳир таржимон Сами Раҳим Валентин Распутиннинг “Живи и помни” (“Омон бўлсанг, унутма”) романи таржима қилган эди. Асар ўша пайтда собиқ иттифоқ микёсида шов-шувга сабаб бўлган эди. Сами ака нари-берисини ўйлаб, таржиманинг аслиятга нечоғли муқобиллигига ишонч ҳосил қилиш учун уни бир қўриб беринг, деб таъхир қилгани Миржалолга топширдилар. Миржалол шунда чинакам муҳаррирлик маҳоратини намоян этди — асардаги энг жузъий камчиликларга аниқлаб, таржиманинг сифати икки баробар оширди, деса муболага бўлмайди.

Сами Раҳим ўз муҳаррирдан жуда миннатдор бўлди — “Омон бўлсанг, унутма” ўзбек маданиятига муайян ҳисса бўлиб қўшилди. Барчамиз Миржалолнинг ҳақиқий зуллисонайд эканига тан берганимиз бўлган эди.

Боя Миржалолни арабушнос деб айтиб ўтган эдим. У Тошкент вилоятидаги ўрта мактаблардан бирда узок йиллар араб тили ўқитувчиси бўлиб ишлади. Араб адабиётидан кўплаб намуналар-

### Ёднома

ни ўзбек тилига таржима қилди — араб тилидан ҳам, рус тили орқали ҳам. Юрий Нагибиннинг “Жадалик интиқоми” асари ҳам 60-70 йиллар араб дунёси ҳаётига оид бўлиб, Миржалол таржимасида чиройли китоб бўлиб чиққанди. Айтмоқчиманки, баъзи “учар” зуллисонайлар каби Миржалол “қора бозор”га уриб кетмади, отаси Миртемир домланинг халқ шоири деган номига номларини умр бўйи ардоқлаб, қўлидан келганича ота йўлидан бориб, эл хизматига муқом қармарбаста бўлди. Миртемир домланинг юз йилликлари муносабати билан фарздандлик бурчини ўташ мақсадида дўстимиз сўнги кунларда астойдил олиб-югурган эди. Талай ишлар қилиниб, қолганлари ҳам режа-лаштириб қўйилганди. Афсус, банданинг эмас, Худонинг айтгани бўлган, деган гап рост чикди — дўстимизга шу “югур-югур”лари самарасини қўриш насиб этмаган экан. Аммо сўнги нафаси-гача ота хизматида, эл хизматида сафарбар бўлишдек бахт унга ёр бўлди, деган гап кўнглимизга тасалли беради, ҳолос.

Кези келганда айтганидан бўлсақ, отамга ўхшай деб (ҳўжа-қўрсинга эмас!) олган машинани уйга етказмасдан дўстлар ҳожати қарф қилиб юборганини неча бор ўз қўлим билан қўрганман. Дўстларини севиш — ҳаётини севишни бир белгиси, албатта. Дўст бор жойда ҳаммаш кулги, қувноқлик бўлади, дилдаги гаплар арийдил, ҳаётнинг ўзига муҳаббат ортади. Миржалолнинг дўстларини ниҳоятда кўп эди — у уларнинг сўнги дақиқаларига чак қувноқ ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб яшайди. Касбу ҳунардигина эмас, ҳатто умр бунда ҳам отаси Миртемир домланинг изларидан борди, худди атоқли шоир каби нақд 67 ёш устида ёруғ оламни тарк этди.

Амир ФАЙЗУЛЛА

ноёб фикрлар, қимматли ҳикматлар, бой таъриба ва рамлал ҳазинасини изчиллик билан ўлаштиришди”.

1933 йилда асарлари бугун ҳам эътибор билан қўйлаётган Бунинга Нобель мукофоти берилади. Бу пайтда у хоризжда, муҳожирликда яшаётган эди. Ёзувчи Борис Зайцев академия қароридан тасвирланган, шундай деган экан: “Қаранг-а, биз — муҳожирлар, иккинчи даражали одамлар бўлсам, муҳожир ёзувчида мукофот беришибди-я. Сиёсий ёзишмалари учун эмас, ҳарқалай, бадиий ижоди учун”.

Шуниси ажабланишликки, ўтган юз йил ичида адабиёт соҳасида Нобель мукофотига сазовор бўлган бадиий асарларнинг жуда кўпи орадан ҳеч қанча вақт ўтмай адабий жамоатчилик эътиборидан тушиб қолган. Бугун уларнинг бошқа мамлакатлардагина эмас, мукофотга сазовор бўлган муаллифларнинг ватанида ҳам яхши билинмайди. Бу асарларни кутубхоналарининг нодир асарлар сақланаётган махсус бўлиmlаридан топшиш мумкин. Топилганда ҳам, бугунги ўқувчи учун қадар қизиқарли эмас. Нега энди шундай?

Бу саволга бошни кўп қотирмай ҳам жавоб берса бўлади. Гап шундаки, мукофот қўмитасининг баъзи қарорлари ўша пайтнинг ўзидаёқ жиддий эътироз ва истеъзоларга сабаб бўлган. Баъзи муаллифлар мукофотга сазовор бўлгани эмас, бадиий ва эстетик қудрати ҳал қилмадики, бу ҳақиқатни асло рад этиб бўлмайди.

Кўнглида туғилган мулоҳаза шуки, ўзбек адабиётини яратган бир эмас, бир неча асарларни кейинги юз йилликда Нобель тожини қийган асарлар билан бемалол ёзма-ён қўйиш мумкин...

Аҳмад ОҒА

Республика ёш томошабинлар театри жамоаси театр аткрисаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист  
Тамара ҲАМДАМОВАнинг  
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди ушма аъзоси  
Уктам ҲАҚИМЛИГА ораси  
Маърифат РАСУЛБОВЕАнинг  
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ  
ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ  
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ  
ХОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРКАТУВИ»  
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

O'zbekiston  
adabiyoti va san'ati  
Манзилмиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Қабулхона — 233-52-91  
Котибухона — 233-49-93  
Электрон манзилмиз:  
info@uzas.uz  
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50  
Санъат бўлими: 236-56-48  
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55  
Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош  
муҳаррир  
Саъдулла  
ҲАКИМ

Таъхирининг келган қўғишлар таъхил этилмади ва муаллифларга қайтарилмади.  
Муаллифлар фикри таъхирининг қўғиш назаридан фарқланмиш мумкин.  
Навбатчи — Рустам Мусурмон  
Саҳифабоичи — Элёр МАХМУДОВ  
«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акцијадорлик компанияси босмақонаси.  
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.18  
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4703. Буюртма Г — 848. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА  
КУНЛАРИ  
ЧИҚАДИ.  
СОТУВАДА  
НАРХИ  
ЭРКИН